



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 5-noyabr. Seshanba • 132 (31.722)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Парламент назорати



Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ЎзХДП учун принципиал аҳамиятга эга. Шунинг учун фракцияси иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича парламент таъсирини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда.

САЙЛОВ

ОЧИҚЛИК асосида ўтади

2

ИЖТИМОЙ

соҳа объектлари



куз-қиш мавсумига тайёр...ми?

3

Битирувчилар келажаги, ёшлар тақдири

уларнинг бандлиги таъминланишига боғлиқ

●●● Ҳар йили мамлакатимизда ярим миллионга яқин йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, ёш кадрларнинг ишлаб кетиш кафолатини мустаҳкамлаш, иш ўринларининг барқарорлигини таъминлашга давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. ▼

Юртимизда меҳнат ресурслари юқори суратларда кўпайиб бораётган ҳозирги шароитда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар белгиланган. Дастур ижросидан манфаатдор ЎзХДП фракцияси битирувчилар бандлиги таъминлаши бўйича мунтазам равиш-



да парламент назоратини олиб бормоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда Дастурнинг ҳар бир ҳудудда самарали ижро этилишига ҳаракат қилапти. Шу

тариха битирувчиларни ишга жойлаштиришда юзага келаётган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилиш чоралари кўриляпти.

2

Жамият тараққиётида

фаол иштирок этишимиз керак

●●● Хоразм вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 30 минг нафардан ортиқ аъзоси бўлса, шундан 12499 нафари хотин-қизлардир. ▼

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида 3 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларида 24 нафар аёл депутат фаолият олиб бормоқда. Вилоятдаги бошланғич партия ташкилотларининг қарийб 30 фоизда хотин-қизлар етакчилик қилапти. Ана шу ра-

қамлардан ҳам кўриниб турибдики, партия Сайловолди дастурини амалга ошириш, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш аёллар фаоллигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

2

Барқарор иш ўринлари

●●● Фарғона вилояти шаҳар-қишлоқларини муҳташам бинолар, кўркам кўчалар, обод хиёбону фавворалар қатори бир-биридан шинам «Гўзаллик уйлари» беэмоқда. Янги лойиҳалар асосида қад ростлаб, опа-сингилларимизга хизмат кўрсатаётган бундай мажмуалар саноғи кундан-кунга кўпайиб борапти. ▼

— Вилоят ҳокимлиги 2013 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиққан эди, — дейди Богдод туманилик Шохистахон Сиддиқова. — Мен ана шу дастур асосида «Гўзаллик уйи»ни қуриб фойдаланишга топширдим.

Бу ерда аёллар солиғини тиклаш хизмати, гўзаллик салони, ўқув курслари, қизларни турмушга тайёрловчи маслаҳат марказлари фаолият олиб бормоқда.

— Хотин-қизлар турмуш даражасини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш орқали кас-

начилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераяпмиз, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Дилбар Мамажонов. — Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши, вилоят «Микрокредитбанк» ОАТБ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, вилоят телерадиоканаллари ҳамкорлигида бу борада қўшма қарор ҳам қабул қилдик. Унга кўра, вақтинча ишсиз ёшлар аниқланмоқда, улар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ўз мустақил ишини бош-

ламоқчи бўлганларга банк кредитлари олишда ёрдам кўрсатилмоқда.

Вилоятда хотин-қизларни иш билан таъминлаш дастури доирасида Фарғона шаҳрида аёлларни соғломлаштириш маркази фаолият кўрсата бошлади. Марказда тренажёр заллари, гўзаллик салони опа-сингилларимизга хизмат қилмоқда.

Жорий йил якунигача аёллар учун жами 40500 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Вилоятда сервис соҳасини ривожлантириш дастури доирасида савдо ва маиший хизмат объектларини ишга туширишга 62 миллиард сўмдан зиёд тадбиркорлик маблағлари, 20 миллиард сўмдан ортиқ банк кредитлари жалб қилинади. Буларнинг ҳаммаси аёлларни барқарор иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

3

«ПОЙГА» —

долзарб мавзудаги фильм



4

Кейинги сонларда

Яқинда халқ депутатлари Бўқа туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман Кенгаши сессиясига аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини янада яхшилашга доир масала киритилди.

Газетамизнинг кейинги сонларидан бирида депутатлик гуруҳининг мазкур масала юзасидан олиб борган ишлари билан танишасиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Самарқанд:

**ТАРИХ ВА
КЕЛАЖАК
ЧОРРАҲАСИ**



Ўзбекистон Халқ демократик партияси

барча даражадаги депутатлик гуруҳларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш орқали аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш учун курашади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Ижтимоий соҳа объектлари

куз-қиш мавсумига тайёр...ми?



Доғларб мавзуси

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан пойтахтимиз Тошкентда қандай ишлар олиб боришмоқда?

Шаҳар ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айни пайтда қозонхоналар, иссиқлик трассалари, муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш, зарур ёқилги захирасини яратиш, электр ҳаёти газ таъминоти қўрилмаларини текшириш ишлари ниҳоясига етказилган.

Мавсумга тайёргарлик асосида 12 та мактаб ҳамда 21 та мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш, 7 та мактабни реконструкция қилиш, 276 та мактаб, 418 та мактабгача таълим муассасаси, 22 та Меҳрибонлик уйи ва мактаб-интернатларни жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. Ушбу муассасалардаги 819 та иссиқлик бўғинлари профилактик таъмирланди. Шунингдек, 27,7 минг квадрат метр том қисмлари таъмирдан чиқарилди. Шу билан бирга 18 минг квадрат метр ойналар қўйилиб, 34 та муассасада электр тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилди. 34 та муассасадаги иссиқлик қозонхоналари мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди.

Соғлиқни сақлаш тизими бўйича эса 3 та муассаса капитал ва 8 таси жорий таъмирланди. Ушбу муассасалардаги 242 та иссиқлик бўғинлари профилактик таъмирланди. 2 та иссиқлик қозонхонаси жорий ҳамда 5,5 минг квадрат метр томлар таъмирланди. Шу билан бирга 2 та соғлиқни сақлаш муассасасида иситиш ти-

Пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларнинг 1 миллион 302 минг квадрат метр том қисми жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, 450 та кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмларида муҳандислик тармоқлари мукаммал таъмирланди.

зими яхшиланди, ушбу объектлар ҳудуддаги 320 метр ташқи иссиқлик тармоқлари изоляцияси тикланди.

Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг 16 таси капитал, 6 тасида иситиш тизими, 7 тасида сантехника, 17 тасида ичимлик суви ва 8 тасида иссиқлик сув тармоқлари жорий таъмирланди. 276 та муассасадаги иссиқлик бўғинлари профилактик қўриқдан ўтказилди. 5,1 минг квадрат метр томлар таъмирланди, 1,4 минг квадрат метр ойна ўрнатилди.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг яшаш шароитлари кўп жиҳатдан қўшниқ совуқ кунларига нечоғли пухта тайёргарлик қўрилишига боғлиқ. Тошкент шаҳар ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиев бу ҳақда қўйидагиларни гапириб берди:

— Бугун пойтахтимизнинг 11 та туманида жами 9155 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 2327 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 206 та Бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда кўп қаватли уйларда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор бартараф қилиш, уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари сифатини яхшилаш, ширкатларнинг шартнома асосида таъмирлаш хизматларини ўз вақтида кўрсатиш мақсадида барча туманларда намунавий «Авария-диспетчерлик хизмати» шаклидаги хизматлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси қошида 3 та ихтисослаштирилган Бошқарув сервис компаниялари тузилиб, улар учун Сергели туманида ишлаб чиқариш базаси ва 3 та «Damas» автомашинаси ажратилган.

Мавсумга тайёргарлик доирасида кўп қаватли уйларнинг 9804 та иссиқлик тизимлари профилактик таъмирдан чиқарилди. Кўп қаватли уйларнинг 1 миллион 302 минг квадрат метр том қисми жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, 450 та кўп қаватли уйларнинг ертўла қисмларида муҳандислик тармоқлари мукаммал таъмирланди.

Алишер Набиевнинг айтишича, бу йилги қишга тайёргарлик режаси ўтган йилдаги камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб тузилган.

Уй-жой, коммунал соҳадаги муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топиш масаласи ЎзХДП дастурий мақсадларда ҳам алоҳида белгиланган. Шу боис Тошкент шаҳар кенгашидаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи айлани шу бўйича қатор масалаларни шаҳар Кенгаши сессияларига олиб чиқаётир. Шу-

нингдек, партия Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти коммунал соҳага тўғри келади.

Партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳи томонидан уй-жой-коммунал соҳада учраётган айрим муаммоларни тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида бартараф қилишга ҳаракат қилинапти. Хусусан, ўтган йил давомида Жамоатчилик қабулхоналарига 462 та мурожаат тушган бўлса, шундан 63 таси айнан коммунал соҳага тегишли масалалар бўлган. Уларнинг аксарияти депутатлар ваколати доирасида ҳамда тегишли идоралар ҳамкорлигида ижобий ҳал этилган. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида коммунал соҳа бўйича фуқаролардан 50 га яқин мурожаат тушган. Демак, ўтган йилга нисбатан бу йил коммунал соҳага тегишли мурожаатлар камайган.

— Маҳаллаимиз ҳудудига 10 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, 1970 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди Чилонзор туман, Бешёғоч маҳалласи фаоли, ЎзХДП аъзоси Вилот Худойбердиева. — Айни пайтгача маҳаллаимиздаги барча кўп қаватли уйларнинг иссиқ сув ва совуқ сув тармоқлари профилактик қўриқдан ўтказилди. Ўтган йилги қиш мавсумида бироз таъмирталаб бўлган 3 та кўп қаватли уйнинг томи тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

— Ўтган йилги қиш мавсумида ёғингарчиликлар кўп бўлди, уйимиз тепасидан бироз чакки ўтганди, — дейди Олмазор туман Себзор даҳаси 16-йил, 43-хонадонда истиқомат қилувчи Сурайё Алимардонова. — Кўп қаватли уйнинг 4-қаватида яшаймиш, уйнинг томи таъмирланмаса, биринчи бўлиб биз азият чекамиз. Яқинда уй тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик тармоқлари ҳам қўриқдан ўтказилди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, пойтахтимиз аҳолиси аёли кунларни ташвишсиз ўтказиши таъминланади.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Чўлда



92 муҳожирнинг жасади топилди

Нигер маъмурияти иш топиш мақсадида нолегал тарзда Жазири томон йўлга отланган муҳожирларнинг 92 нафари чўлда сувсизликдан нобуд бўлганини маълум қилди.

«BBC News» хабарига қараганда, келиб чиқиши нигерликлар бўлган бир неча ўнлаб киши (улар орасида аёллар ва болалар ҳам бор) тахминан сентябрь охири — октябрь бошида иккита юк машинасида Нигернинг Ар-

лит шаҳридан Жазири томон йўлга тушган. Чўлга етиб борганда машинанинг бири бузилиб қолган. Иккинчи машина эгаси эса муҳожирларни ўша ерга ташлаб, эҳтиёт қисм топиб келиш учун Нигерга қайтган. Бироқ йўлда у ҳам бузилиб қолган.

Муҳожирлар эса чўлда кута-кута гуруҳларга бўлиниб, пиёда йўлга тушган. Бирок сувсизлик уларни холдан тойдирган. 2 киши Арлитгача етиб келишга муваффақ бўлган ва шаҳар маъмуриятига юз берган воқеа тўғрисида хабар берган. 19 киши эса Жазирининг Тамарессет қишлоғигача етиб борган. Улар маъмурият томонидан ортага қайтарилган. Чўлдан 21 киши тирик топилган.

Маълумотларга қараганда, йилга тахминан 80 мингга яқин муҳожир Шимолий Африка ва Ўрта Ер денгизи мамлакатларидан иш топиш мақсадида чўллари кесиб ўтишга уринади.

Буқалар жанги



оммалашади

Бундан 20 йил муқаддам Швейцариянинг Вал-кантон-лигида буқалар жанги кичик қишлоқларда маҳаллий аҳоли томонидан ўтказиларди. Ўшанда маҳаллий аҳолининг мазкур «эрмаги» бу қадар оммавийлашиб кетишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаганди,

деб ёздади «Le Bilan» журнали.

Бугун эса ушбу мусобақа тури кенг тус олиб, айнан бу зотдаги буқалар учун инвестиция жалб қилиш фойда олишининг энг осон усулига айланиб бормоқда. Бу эса «эрингер» зотдаги (бошқача номи «эранс») буқалар нархи ошиб кетишига олиб келмоқда. Айни пайтда қўлга тулган битта буқанинг нархи 30 мингдан 50 минг франкача баҳоланмоқда. Ҳатто хорижийлик сармоядорлар ҳам бундай буқалар учун инвестиция жалб қилаётгани буқалар жангининг оммавийлашишига сабаб бўлмоқда.

Буқалар жанги мусобақаси маҳаллий телевидение орқали тўғридан-тўғри намоиш қилинмоқда.

21 ёшдан кичиклар



сотиб ололмайд

Нью-Йорк шаҳар кенгаши октябрь охирида 21 ёшдан кичикларга сигарет сотишни тақиқловчи қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб овоз берди. Энди уни шаҳар мери Майкл Блумберг бир ой ичида имзоласа, 180 кундан кейин қўлга қиради, дея хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги.

Аваллари шаҳарда чеклов 18 ёшгача эди. Шу ёшдан ўтганларига сигарет сотиб олишлари мумкин эди.

Нью-Йорк 21 ёшдан кичикларга сигарет сотиш тақиқланган иккинчи шаҳар.

Аҳоли вазни




мониторинг қилиб борилади

Мексика президенти Энрике Пенья Ньето мамлакат аҳолисини соғлом турмуш тарзига қатъий риоя этишга, семизликка қарши ҳақдиди курашга чақирди, дейилади «Lenta.ru» сайтида эълон қилинган хабарда.

Президентнинг айтишича, мамлакат аҳолиси саломатлик билан боғлиқ хавф остида турибди. Бу хавфни бартараф этиш учун эса жисмоний машқ ёки кўчада пиёда сайр қилишга бир кунда бир соат вақт ажратиш лозимлигини уқтирди.

Эндиликда қувватли озиқ-



●●● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг етакчи синоптик-муҳандиси Гавҳар МАМАЖОНОВА бу ҳақда бизга қўйидагиларни гапириб берди.

Об-ҳаво

— Аввало, куз фасли об-ҳавосига тўхталиб ўтмоқчи эдим. Чунки сентябрь ойида қўрилганда жуда иссиқ ва қуруқ об-ҳаво кузатилди. Сентябрь ҳароратининг ўртача ойлик қиймати ҳудудимизнинг асосий қисмида ойлик меъёрдан 2-3 даража, айрим жойларда эса 4 даража юқори бўлди. Энг иссиқ кунларда ҳаво ҳарорати кечалари 16-21 даражагача, кундузлари эса 35-40 даражагача кўтарилди. Республикаимизнинг шимолида ва чўл ҳудудларида эса кечалари 21-23 даража, кундуз кунлари 41-43 даражани ташкил этди. Қатор вилоятларимиз ва туманларда ҳаво ҳароратининг абсолют максимум қийматлари бир неча марта аниқланган, дейишимиз мумкин. Хусусан, Тошкент шаҳри учун ушбу ой янги рекорд қийматга етди ва у 40 даражани ташкил этди. Ушбу қиймат 25 сентябрь кун қайд қилинди. Бу 24-25 сентябрь кунлари мамлакатимизга жанубдан кириб келган жуда иссиқ ҳаво массалари билан боғлиқдир.

Октябрь ойида республикаимизда илқ ҳаво ҳарорати 1-7 ва 18-21 октябрь кунларида тўғри келди. Бунга республикаимизга жанубдан, яъни Турк-

манистон ҳудудидан кириб келган илқ ҳаво сабаб бўлди. 3-6 октябрь кунлари ҳаво ҳарорати кундузлари 33-35 даража, республикаимиз жанубида эса 38 даража иссиқлиги кўтарилган қайд қилинган. Пойтахтимиз Тошкентда эса 6 октябрь кунлари ҳаво ҳароратининг абсолют максимум қиймати 35 даражага тенг бўлиб, бу кўрсаткич аввалги йиллар қийматидан 3,1 даража юқори бўлди. Бу каби иссиқ об-ҳаво шароити 1986 йил 6 октябрь кунлари бўлган ва 32,3 даражани ташкил этган. Икки марта совуқ ҳаво ҳарорати ҳам кузатилди — 9-13, 25-31 октябрь кунлари. Россиянинг Европа қисми, хусусан, Волгабўйи ва Каспий денгизи хавзаларидан кириб келган нисбатан совуқ ҳаво оқимлари ҳароратининг тушиб кетишига олиб келди.

Ойнинг учинчи кунлигида ёғингарчилик кузатилди. Ёғингарчилик асосан ёғин қўринишида бўлиб, фақатгина 26 октябрь кунлари Тошкент вилоятининг айрим жойларида ёғаётган ёғин бир муддат қорға айланган. Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудлари эса қор тушди.

Кўпчилики ноябрь ойи об-ҳавоси қандай келиши қизиқтириши табиий. Жо-

Ноябрь ойи об-ҳавоси қандай бўлади?

Ичимлик суви таъминоти

яхшиланмоқда

Ер ости суви йўллари излаб топиш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида Бойсун туманидаги Работ, Бибишарин, Газа, Қўчкач, Сангчил ҳамда Шўроб қишлоқларига қувурлар ёрдамида ичимлик суви олиб келинмоқда. Туман аҳолиси асосан Авлод қишлоғи ҳудудидagi бўлоқ сувида фойдаланарди. Баҳор ойларидagi сел тошқини пайтида бу ерда катта муаммоларга дуч келиниб, суви таъминотида узилтилар бўлиб турарди. Бу муаммолар ҳам бартараф этилди. Давлат бюджетидан ажратилган 162 миллион маблағ ҳисобига селсув йўллари қисман ўзгартирилиб, Хан-горонсой ичидаги бўлоқ атрофи бетон тўсиқлар билан ўралди. Шунингдек, 300 метр масофага янги темир қувурлар ётқизирилиб, суви мосламалари ортқича моддалардан тозаланди.

Бойсун туманида ичимлик суви танқис бўлганлиги боис, туман ҳудудидан 20-25 чақирим узоқликдаги Хўжаймайхона сувини олиб келиш борасида кўп ҳаракатлар бўлган. Президентимизнинг Хўжаймайхона ичимлик сувини Бойсун тумани-

га ўтказиш ҳақидаги қароридан сўнг бу борада амалий ишларга киришилди. Лойиха ишлари тўлиқ амалга оширилганидан сўнг шаҳар аҳолиси ҳамда 22 та аҳоли пункти ичимлик сувида тўлиқ баҳраманд бўлади.

Айни пайтда Термиз шаҳрининг «Алишер Навоий», «Тараққиёт», «Ат-Термизий», «Ибн Сино», «Рудакий» сингари қўчаларидаги ичимлик суви тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур лойиха 2015 йилга қадар амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг учун жами 18,5 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтирилмоқда.

— Термиз шаҳрида 18 километр узунликдаги оқова суви тармоғи таъмирланиши баробарида 8,86 километр реконструкция ишлари ҳамда 9,14 километр масофада янги тармоқ қўрилиши амалга оширилади, — дейди вилоят Сувоқова ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Юсуф Менглиев. — Бу борадаги ишлар Шўрчи, Ангор, Жарқўрган туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«МЕХР билан ясалган»



Хар ойда ўтказиладиган мазкур кўргазмада юртимизнинг турли вилоятларидан 100 нафардан зиёд иштирокчи ўзлари ясаган буюмлар билан қатнашади.

лоятларидан келган етти ёш ва ундан катта бўлган ўғил-қизлар иштирок этади.

Кўргазмада хайрия бурчаги фаолият юритиб, лойиха ташкилотчилари йиғилган маблағ ҳисобидан Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида даволанаётган болаларга махсус дори-дармон етказиб беришга кўмаклашади.

— Лойиха ташкилотчилари институтида даволанаётган бемор болаларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда, — дейди институт қошидаги клиника болалар бўлими мудири Наргиза Бобонова. — Эллик нафарга яқин бола бир ярим ой давомида кли-

никамиз шифокорлари назоратида бўлади. Бу вақт мобайнида лойиха иштирокчилари тенгдошларига ўзлари ясаган буюмларни ҳадя этади, бирга суратларга тушиб, хоналарни расм ва ўйинчоқлар билан безашади.

— Кўргазмада «Мўжизалар фурсати» бурчаги ташкил этилган бўлиб, унда имконияти чекланган ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари томонидан ясалган ажойиб ўйинчоқ ва совғалар жой олган, — дейди лойиха муаллифи Ирина Матвиенко. — Йилдан-йилга лойихада қатнашиш истагида бўлган хайрихоҳ болалар сони кўпаймоқда. Хар ойда ўтказиладиган мазкур кўргазмада юртимизнинг турли вилоятларидан 100 нафардан зиёд иштирокчи ўзлари ясаган буюмлар билан қатнашади. Хайрия тadbirlари-мизнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ташриф буюрган томошабин ҳам унинг бевосита қатнашчисига айланиб, бирор буюм ясаган ҳолда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бундан ташқари, ўрганувчиларга тасвирий



санъат, каштачилик ва бошқа санъат турлари бўйича маҳорат дарслари ўтказилади.

Меҳр ила ясалган, меҳр билан улашилган, меҳрга йўғрилган совғалар бемор болалар дарди-га малҳам бўлишига, уларга қувонч бағишлашига ишонамиз.

Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари яна бир турдан сўнг мавсумни якунлайди.

Чемпионликка уч даъвогар

Футбол

Йигирма бешинчи турда пешқадам жамоалар — «Бунёдкор» ва «Насаф» Қаршида ўзаро баҳс юритди. Унда Артур Геворкян томонидан киритилган ягона гол мезбонлар галабасини таъминлади. Фолибликка асосий даъвогарлардан яна бири — «Локомотив» вакиллари ўз майдонида «Навбахор»ни қийинчиликсиз енгди — 3:0.

Мазкур турда пойтахтда пахтакорчиларга йирик (4:1) ҳисобда ютказган «Шўртан» жамоасининг келаси мавсумни биринчи лигада бошлаши аниқ бўлди. Навойида «Қизилқум» — «Олмалик» жамоалари учрашувида мезбонлар муҳим галаба (4:2)ни қўлга кириштиб, кучлилар сафида ўз мавқеини сақлаб қолиш учун қўлай имкониятга эга бўлдилар.

Турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 1:1, «Гулистон» — «Динамо» — 0:2, «Металлург» — «Нефтичи» — 0:0.

8 ноябрь куни мавсумнинг охириги тур ўйинлари ўтказилади. Унда «Динамо» — «Нефтичи», «Шўртан» — «Металлург», «Навбахор» — «Пахтакор», «Бухоро» — «Локомотив», «Сўғдиёна» — «Бунёдкор», «Олмалик» — «Насаф», «Гулистон» — «Қизилқум» жамоалари майдонга тушади.

Эркин ҲОЛБОВО



ОБ-ҲАВО 05-06 — 11. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+2 / +3 +13 / +18

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+3 / +8 +13 / +18

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+3 / +8 +15 / +20

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+1 / +6 +12 / +17

Тошкент шаҳри

+5 / +7 +14 / +16

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +11 / +7

Париж +13 / +13

Москва +13 / +8

Кейптаун +23 / +15

Қоҳира +26 / +19

Гавана +30 / +20

Вашингтон +14 / +9

«ПОЙГА» — долзарб мавзудаги фильм



Баъзан ёшлар машиналарда пойга ўйнаётганига гувоҳ бўламиз. Кимдандир олдин манзилга етиш жонни хатарга қўйишга арзирмикан? Бундай ёшлар уларни уйда ота-онаси, оиласи қутаётганини унутмаслиги керак...

Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида режиссёр Абдувоҳид Фаниев томонидан суратга олинган «Пойга» бадиий фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Кинокартина автомашина бошқарётганда қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш, бу борада юз бераётган турли кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳақида. Мазкур фильм «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда суратга олинган.

Фильм воқеалари шундай бошланади: йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими Ботир Холматов хизмат қилаётган ҳудудда бир гуруҳ қонунбузарлар ноқонуний пойғалар уюштириш билан шуғулланади. Милиция ходими эса уларни қўлга олиш мақсадида режа ишлаб чиқади. Воқеалар ривожини шу даражада мураккаб тус оладики, бу ишга унинг қизи ҳам аралашиб қолади.

— Тунда ёш йигит ва қизларимиз турли пойғалар уюшти- раётгани ҳақида эшитамиз ёки машинанинг баланд овози қулоққа чалинади, — дейди

фильм режиссёри Абдувоҳид Фаниев. — Бунинг оқибатида уларнинг оғир жараҳат олаётгани, ҳаттоки ноубуд бўлаётгани ҳам бор гап. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда Шоира Ғиёсова билан картина сценарийсини ёздиқ. Бу жараёнда йўл патруль хизмати ходимлари билан суҳбатлашиб, бу каби жиноятлар ҳақида маълумотлар йиғдик. Кинони суратга олиш жараёнида Ички ишлар вазирлиги ва Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси масъул ходимларининг ёрдами катта бўлди.

— «Пойга» фильмида йўл патруль хизмати ходими ролини ижро этдим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матчонов. — Хар бир ота-она фарзандини яхши яшаши учун ҳаракат қилади. Керак бўлса, унга қимматбаҳо машина ҳам олиб беради. Аммо уларни доимо назорат қилиб туришимиз кераклигини баъзида унутиб қўямиз. Анчққ ҳақиқат шундаки, фар-

Тадбир

Оила мустаҳкамлиги учун ҳамма бирдек масъул

Тадбирда хотин-қизларнинг оиладаги ўрни, оиланинг муқаддаслиги, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатган иллатларга қарши курашиш ишларини янада кучайтириш, оилаларни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва таъсирини ошириш каби масалалар ҳуқуқсизда ўзаро фикр алмашилди.

— Оила жамиятнинг асосий бўғини, унинг мустаҳкамлиги муҳим аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Гулжамол Асқарова. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1998 йилнинг «Оила йили» ҳамда 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам оилага бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Обод турмуш йилида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой, маиший шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида ҳам оилани мустаҳкамлашдек эзгу мақсад мужассам.

— Юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мазмун-

ташкил этилган. Унда интерфаол усулларда таълим берилаяпти. Бу жараёнда улар никоҳ ёқишга қадар оиланинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳақида билим ва тушунчага эга бўлади.

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам оилага бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой, маиший шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани замирида ҳам оилани мустаҳкамлашдек эзгу мақсад мужассам.

— Инсонда меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ўзаро ишонч ва ёрдам, сабр-тоқат ва қаноат каби фазилатлар дастлаб оилада шаклланади, — деди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. — Бу масканда ота-она,



Санжар ШОТЎЛДАНОВ олган сурат.

моҳиятида ҳам давлат ва жамиятнинг оилага бўлган доимий ғамхўрлиги ўзифодасини топган, — деди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи Дилбаҳор Ёқубова. — Оилаларни мустаҳкамлашда ҳуқуқий турғибот ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. ФХДЭ органлари томонидан ташкил этилган оила дорилфунунида айнан никоҳга қираётган йигит билан қизнинг мажбуриятлари, уларнинг педагогик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда. Баъзида никоҳланувчи ёшларнинг ота-оналари ҳам оила дорилфунунига тақлиф этилади. Ҳозирда коллеж, лицейларда ёш оила қурувчилар мактаби

айниқса, аёлнинг фарзандларига тежамкорлик ва саранжон-сарифталиқни ўргатиб бориши кейинчалик фарзанд тақдирида катта роль ўйнайди. Яхши ният ва орзулар билан қурилган кўрғон ичра эр-хотиннинг вазифаси рўзгорни ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, жамиятга соғлом, ақлли, хар томонлама баркамол фарзандларни тарбиялаб беришдан иборат.

Давра суҳбатиде эътироф этилганидек, оилани асраш — юрт ва миллат тақдирига дахлдор масала. Оилани мустаҳкамлашга, келажагимизни асрашга хар биримиз масъулмиз.

Басандобону ЖАЛИЛОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA		(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Modaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kofitbiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10338

naxxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.05

Topshirilgan vaqti — 02.00

Navbatchi:

Toshtemir XUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

772010763004

1 2 3 4